

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМЧИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 183 (6. 972)

1989 йил 11 август, жума

Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитетиде кенгаш

9 август кун КПСС Марказий Комитетиде марказий оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг кенгаши бўлиб...

Миллатлараро муносабатларда янгича ёндашувларни рўйбога чиқариш...

Фалли инсончи жаҳон урушининг бошланиши билан болғил воқеалар тўғрисида ахборот берди.

Пировардида Н. Н. Слюньков нутқ сўзлади. У партия Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатлардаги қийинчиликларини бартараф эттиш борасидаги голларини рўйбога чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти ошганлигини қайд этиб ўтди.

Миллий ўзлигини англашнинг табиий равишида ўсганлигидан (демократиялаш, қайта қуриш, ошқоралик бунга кенг имконият очиб берди) кўпгина турли хил мансабларга, масъулиятга юксалган ўзларининг гаврали мақсабларида фойдаланмоқда...

КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудири Ю. И. Рижков кенгаш қатнашчиларини партияда ҳисобот ва сайловни ҳамда халқ депутатлари Советларининг сессияларида қатнашишга қўриқиб келиш керак...

«Оқшом»га хатлар

Ҳаётда яхшилар кўп

ҲУРМАТЛИ редакция! Сизларга хат йўллашга ўз инсоний бурчини ҳолисона бажарувчи кишилар шахринида бор ва кўп эканлиги даъват этди. Бунга оилам бошига тушган бахтсиз ҳодиса мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Воқеа бундай бўлган эди. Ишончамга бир йилгит келиб...

Обуначилар минбари

БИЗ УЧУН ҲАМ АРДОҚЛИ

«Ассалому алайкум, ҳурматли редакция ходимлари! Анча йилларки «Тошкент оқшомчи» газетасини қизиқиб кузатиб бораман. Бизнинг кишиларда унинг кўпгина мулкислари бор. Шу пайтга газетани Андижон облати киносаларидан сотиб олиб ўқирдик. Шунда ҳам ҳаммасини эмас...

Одам трамвайда заҳарланганими?

— ИЯ, нега трамвайда одам заҳарланар экан? — деб сўради. Ха, шунданас ҳам бўлади. Ишонмасангиз эрталаб соат 9—10 ларда Лабзак бекатидан кетаётган бирорта трамвайга чиқиб кўринг, биласиз-куёйсиз.

Худди ўша ерда, Усмон Юсупов ва Фаол кўчалари кесилган жойда район ОИД (профилактик дезинфекция бўлими) омбори жойлашган. Ҳар кун эрталаб куч-гайратга тўлган, зараркунанда хашарот ва жониворларга қирон келтирувчи олаконларини қўлларидан 1 та ёки 2 талдан сумка, тўхтади кўтариб жомат транспортга ёпирилиб чиқарилади, трамвай шўх кўлдига, ҳазил-мутойибаларга тўлади. Лекин, кўп вақт ўтмай, уларнинг сумкаларидан диоминини шундай ёқимсиз ва қўланса ҳид урилади...

Мажмуржон ОЛИМЖОНОВ, Қирғизистон ССР, Уш облати, Арвон район, Телпакўрғон кишлоғи.

Редакциянигизга шунга ўхшаш хатлар кўплаб келиб турибди. Шу ҳафта аниқ маълумот олиш мақсадида Тошкент шаҳар «Союзмаш» бошқармаси обуна бўлими бошлиғи Л. И. Писаренко билан боғландим. Унинг айтишича Ўзбекистондан ташқарида «Тошкент оқшомчи»га обуна бўлишига ҳозирча рухсат берилмаган. Унда қилганини кўп сонли газетхонларнинг илтимослари нобатга олинад ва яқин орада ижобий ҳал этилади.

ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛСА

«Ҳурматли редакция! Мен Тошкент шаҳар, 2-Танкисобоев массиви 10-уйда истиқомат қиламан. Бу йил ўнда ортқ газета ва бир неча журналга обуна бўлганман. Улар ичиде «Тошкент оқшомчи» газетаси ҳам бор. У пойтахтнинг янгиликлари билан бир қаторда турли мавзуларда кўплаб қизиқарли материаллар берилиш билан эътиборлидир. Лекин кундалик матбуотини ўз вақтида етказиб беришда 179-алоқа бўлими ходимлари совуққонлик қилишмоқда. Сабабини сурштирсак «Почталовчилар етказмайди» деб жавоб қилишди. Бизга хизмат қилмаган почталовчи Раҳараслонова аса қўйсиз газетани қачон олиб келишини ўзи ахлат қилади. Уч-тўрт кунлаб талаб қилсангизга келтириб беради. Шунда ҳам ҳаммасини эмас.

Қолаверса бир неча минг аҳоли яшаётган жойда бирорта ҳам «Союзмаш» киносаласи йўқ. Илтимосини шунга «Оқшомчи» чекдан кўчи олмас. Илоҳи бўлса 179-алоқа бўлими, га ташриф буурсангиз.

Салом билан, Рихсатилла ФАТХУЛЛАЕВ.

Албатта газета-журналларнинг хондонларга ўз вақтида етиб бормаслиги нохуш ҳолат. Бунга чек қўйиш керак. Ўзбекистон ССР Улқа министригидан раҳбар Уртоқлар бундай ҳолатга йўл қўймаганини чорасини кўрадилар деб ўйлайман. Редакция бу масалага яна қайтади. У кун тартибда турибди.

ГИПНОЗЧИЛАР СИРИ НИМАДА!

«Тошкент оқшомчи»га уч йилдан буюн обунаман. 1990 йилга ҳам обуна бўлидим. Сизлардан бир илтимос бор: газета саҳифаларида гипноз ҳақида мақола берсангиз. Уйлайманки у кўпчиликни қизиқтирадиган мақола бўлади.

Ҳурмат билан: «Оқшом» мулкисини Музаффар ЭШПҲАТОВ, Бухоро облати, Гиндувон шаҳри.

Дарҳақиқат, гипноз ҳақида яна дириданган материал бўлиши кишини қизиқтиради. Бу мавзуда яқин вақт ичиде мақола эълон қилишни мўлжаллаб кўйдик.

Ҳурматли оқшомчилар! Сиз яна қайси мавзуларда материаллар берилишини хоҳласангиз «Оқшом» саҳифаларида кимлар билан учрашув ва суҳбатлар берилишини истардингиз. Газетамиз янада мазмунли, тема-ларингиз рағбатингиз бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак. Фикрингизни биз юборинг. Маслаҳат ва ташкилларингизни кутамиз.

А. ҲУСАНОВ.

Сирти ялтироқ, ичи...

ЎЗЛИМ тушиб, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг 11-ётоқхонасига боргандим. Замонавий усулда қурилган бу бинонинг қиройли, бекирим, кўп қаватли эканлигини кўриб: «Мана бунинг ётоқхона деса бўлади», дедим. Лекин ичига киришим билан фикрим ўзгарди.

Очиги, бу жойда талабалар яшашига янонлиш қийин. Уларнинг яхши ҳордиқ чиқариб, намунали ўқишлари учун мўлаҳоза шарт-шароит яратилмаган. Коридор бўйлаб юраркансиз диоминингизга қўланса ҳид урилади, ҳар жойда ахлат, қоғоз, ситган стол-стулар, кўпорилиб тушган девор бўлақлари, синарет қолдиқлари... Пол, эшиклар, дераза ойналари ямоғ, плиталар ремонтлаб, деворлар намлигидан чириб ётибди, лифт ишламайди. Ҳуқуқ зали, охиона ҳақида гапирмасам ҳам бўлади, чунки уларнинг ўзи йўқ.

1-қаватдаги девор худди ёдгорликка ўхшаб қолдиби. Бузулганга бир кўз югуртирмасдан илтиҳотга йўқ. «...Вукоро, Кўмўрғон, Самарқанд, Қўдон, Ленинobod 1972 йил». Мен бир нарса ўйлаётган бўлишим. Агар шу ёзувлар аздамас, бинонинг ремонт қилинмаганига ҳам 17 йил бўлибди-да? Қойил-э!

Санд ШАМСИДИНОВ, ТошДУ талабаси.

Мен ҳам ишласам дейман

«ОҚШОМ» редакцияси! Сизлардан ердан сўраб мактуб биятман. Мен Совет Армияси сафида ўз йилитини бурчимни адо этиб юрган байларим жароҳатланган, иккинчи группа инвалиди бўлиб қолдим. Анча вақт госпиталь ва шифоналарда ётиб давонландим. Давлат нафақасини оламам. Оилалик бўлгандан кейин турмуш таъинишлари ҳам шунга яраша бўлар экан. Гоҳида нафақадан келадиган пул етмай қолади. Кейин уйда эркак кишининг бекор ўтиришидан ёмони йўқ. Рўзгорга ҳарна ердан бўлсин, деб ишга кирмоқчи бўлидим. Бир идорада, иккинчи группа инвалиди экансиз, мумкин эмас. дейишса, иккинчисиде, учинчи группага ўтказиб берамиз, ишлаверсангиз, деб жавоб беришадил. Корхона, ташкилотга борсангиз «Бизда иш йўқ» дейишадил. Ахир уйда ўтириб бажарса бўладиган ёки ишонганини ўзида енгил ишлар топилмади-ку!

Ахмадجان ТОШМАТОВ, Акмал Иброов район, 25-квартал, 36-уйда яшовчи.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Яқинда Акмал Иброов районидеги «Оро» нафеси ўзгача тус олди. Район партия, совет, комсомол ходимлари, ҳарбий комиссарият хизматчилари, хотин-қизлар кенгаши, «Жанговар дугона» клуби вакиллари бу ерга тўпланишди. Улар орасида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналминвалч-жангчилар, меҳнат ветеранлари, Афғонистонда ҳалок бўлган жангчиларининг ота-оналарини кўриш мумкин.

Учрашувда биринчи бўлиб сўзга чиққан Ўзбекистон ССР халқ артисти Коммуна Исмомилова 1943—1945 йиллар мобайнида ўзбекистонлик санаткорлар орасида Шимол-ғарбий, 1—2-Украина, 1—2-Болтиқбуйи, 1—2-Белоруссия фронтларида жангчиларда бўлиб, жангчиларга маданий-маънавий мадад бeҳишда этишгани, дивизия командири генерал Собир Раҳимов билан бўлган суҳбат хотиралари ҳақида сўзлаб берди.

Ким кафолат беради?

КЕЎПИНГИ вақтларда эътиборсизлик натижасида бахтсиз ҳодисалар бўлиб чиқибди. «Известия» газетасида ҳарбий вертолёт қулаб тушиб, енгил машинага урилиб, бир неча киши ҳалок бўлганлиги ёзилди. Шу хабарда нима учун ҳарбий вертолёт машиналар кўп қатнайдиган йўл устида учиб юрибди, деган савол қўйилган. Ана шу нарса, яқин ҳозир Тошкент шаҳрида бўлаётган бир аҳвол ҳам бизни хавотирга солишга мажбур этди. У нима дейсизми? Марҳамат, эшитинг.

Тошкентда В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси аэродроми бўлиб, у ерда йилнинг транспорт самолётлари синаб турилади.

Авваллари самолётлар одамлар яшамайдиган даладар устида учурилар эди. Кейинги пайтларда самолётлар аҳоли зич яшайдиган «Қорасув» массиви устида синаладиган бўлди. Бир кунда 20 ва ундан ортқ парвоз амалга оширилиб, самолёт уйлар устидан жуذا настулаб учиб ўтади. Бу бийриқидан, экологик тузилшини бузса, иккинчидан кўчли шовқин аҳоли соғлиғига катта ҳаф-хатар манбаидир. Наҳотки масъул кишилар шунини тушунишмасе? Техника қанчалик муккамал бўлмасин ҳали синовода бўлса, ким фалокат руй бермаслигига нафолат бера олади? Вирок фалокат юз бермасдан (кейин айбдорларни жазолаб бефойда-ку ахир) шу масаладан ҳал қилиш мумкин эмасми?

Ҳозир кўп жойларда шундай фалокатларнинг олдини олиш тадбирлари кўриляпти. Чунки унинг олдини олиш, фалокатдан кейин афсусланишдан, айбдорларни жазолашдан кўра яхшироқдир.

Илтимос қиламиз: бизнинг «Қорасув» массиви ва бошқа аҳоли яшовчи жойлар устида транспорт самолётларини синаш тўхтайтиса.

3-«Қорасув» массиви, 6-уйда яшовчилар номидан.

А. ҲУСАНОВ.

ТОШКЕНТА МИТИНГ

10 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريятининг клубида рухсат этилган митинг бўлиб ўтди. Митингга республика журналистлари, бошқа илқодий ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Митинг қатнашчилари баъзи марказий оммавий ахборот воситаларида, хусусан «Огонек» журналида Фаргона воқеалари доир фахслар бўлиб кўрсатилганлиги хусусида норозилик билдирдилар.

(ЎЗАТА).

Анъаналарга содиқлик

Металл конструкциялар цехи Юрий Асеев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг ишчилари «Подъемник» ишлаб чиқариш Бирлашмасида меҳнат вахтасининг голлибери деб топилди.

Коллектив 1990 йил январь ойининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажарди. Пиландан ташқари турли моделлардеги

Абитуриент—89

Талаба бўлишдек ниятини дилига жо этган минглаб қизлар бугун жиддий синовдан ўтмоқдалар. Билимдонлар беллашувиде ўз маҳоратларини намойиш этишяпти. Н. К. Круская номидаги Тошкент педагогика билим ортида ҳам янги ўқув йилига қабул ҳар йилигига нисбатан жиддий олаб боришмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Техникунда бу йил қадрлар тайерлаб сифатли эътибор янада кучайтирилди. Йил бошидан ҳоқ эшларнинг энг муносоабларини ўқувчиликка саралаб олаш юзасидан муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозир техника-кум педагогик коллективни бу ишга вақтинчалик комиссия сифатида муносабатда бўлаётгани йўқ. Аксинча, уни энг муҳим вазифа деб билимоқда. Шунинг учун ҳам 8 кишини иборат бўлган техникум қабул комиссияси лавқаси эшларни ўқувчилар сафига кириб

қолишига йўл қўймасликка астойдил ҳаракат қиломоқда. Билим юртида эшлардан арза туша бошлаган вақтдан бошлаб то шу кунгача қабул комиссияси қизларнинг энг яқин ердэмчиси, маслаҳатгўйига айланган. Консултантилар ташкил этилиб, имтиҳонларнинг ўтказиш тартиби, янгиликлар уларга етказилди. Шу боисдан ҳам масъулияти донларнинг сабоги абитуриентларде катта таассурот қолдирмоқда. Улар давлат имтиҳонларининг жиддий синов эканлигига амалда воқиф бўлишяпти.

— Салкам 2 минг нафарга яқин йилит-қиз ўқув юртимиз талабаси бўлишга истак билдирди, — дейди билим юрти директори, педагогика фанлари номзоиди Озода Омоновна Эшонхўжаева. — Илк бор билим юртимизга шунчалик кўп арза тушди. Кундузги

бўлимига 390 ўқувчини қабул қиламиз. Конкурс ниҳоятда катта бўлади. Унда ҳақиқий билимга ёлган абитуриентларгагина омад кулиб боқеди.

Бу йилги муҳим янгилик ҳам мени қувватирмоқда. Эшлар билим юртимиз ҳаётида биринчи бор касб кўникмаси бўлишга имтиҳон топширишяпти. Бунда улар мактабгача тарбия муассасаларида иш юритишдан қай даражада хабардор эканликларини намойиш этишадил. Шартлар бўйича саволларга жавоб беришадил. Амалий машғулотларни бажаришда илк синовдан муваффақиятли ўтганлар маълумотига қараб яна иккитадан имтиҳон топшириладилар.


42 нафар билимдон қизлар имтиҳонсиз суҳбат йўли билан ўқув юртимизга ўқувчиси бўлишди. Улар урта мактабни алоҳида имтиҳон билан битирган эшлардир.

Р. АХМАДАЛИЕВ. СУРАТЛАРДА: имтиҳондан лавқадар. Т. Каримов суратлари.



СУРАТЛАРДА: имтиҳондан лавқадар. Т. Каримов суратлари.

Жонажон Ватан бўйлаб



АРХАНГЕЛЬСК ОБЛАСТИ. Олис телефон-телеграф радио алоқа системаси эксплуатациясини таъминлаш, СССР Марказий телевидениеси программаларини «Орбита» тармоғи пунктларига узатиш ва халқаро ҳамкорлик мақсадларида «Плесеци» космодромдан «Молния» ракета элтувчиси ёрдамида навбатдаги «Молния-3» алоқа йўлдоши учирлади. СУРАТДА: «Молния» ракета элтувчиси «Молния-3» алоқа йўлдоши билан старт берилиши олдидан.

А. Пушкарёв сурати (ТАСС).

ВИЛЬНЮС. Озиқ-овқат саноати корхоналари вакиллари конфедерациясида кунни кеча «Литва озиқ-овқат саноати» давлат бирлашмаси тузилгани ҳақидаги хужжат имзоланди. Хўжалик ҳисобидagi бирлашмага новвойхоналар, қондотчилик, қандашкер, 8г-мой ишлаб чиқарувчи корхоналар, крахмал ва тамаки саноати заводлари, шунингдек спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи заводлар кирди.

МОСКВА. Кунни кеча СССР Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятлари союзи иккинчи қўмитида «Артекки» деволаниш учун жўнаб кетатган совет ва америка болаларининг учрашуви бўлди. «Болалар» — XXI аср ижодкорлари халқаро ҳаракати доирасида Бутуниттифок пионерлар лагери базасида «Сихат-саломатлик» мушавирлари деган мавзуда болаларни соғломлаштириш Совет—Америка йиғини ўтказилди.

БИРОБИЖОН. Хитой поликорлари область марказидаги истеъмолчилар ширин-шаркар таровуларини ўтказиб беришди. Хосил шакар яқиндаги «Завети Ильича» колхозни далаларида етиштирилди. Бу ерда Хэйлуңцзян вилояти деҳқонларига етимлик гектар ер ижарага берилган.

ГАТЧИНА. (Ленинград области). Кунни кеча «Скворци» парандачилик фабрикасида қайта ишловчи комплексининг биринчи навбати ишга тушди. «Гатчина» агробирлашмаси тарихига кирувчи яна бешта хўжалик ва корхона унинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлади.

ЧЕРЕПОВЕЦ. (Вологда области). Волга дарёсининг булғаниши экология экспедицияси қатъийликларини фикри шундай бўлди. Экспедиция биринчи марта шу шаҳарда бўлди. Экспедиция тарихига Москва Давлат университети, СССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛ олимлари кирган.

ҚИЗИЛ. Китоблар, ноталар, халқ либретлари ва мусиқа асбоблари кунни кеча Шарқий Саян тоғларининг юксак чўққиларини осиб ўтган галатни десантининг аномаларини ташкил этди. Тува АССР ижодий соҳаларининг вакиллари, профессорлар ва хаваскор артистлар Бурятиянинг жануби-ғарбида ҳаёт кечиратган тоғлар — кам сонли халқ вакиллари хузурга меҳмон бўлиб келишди.

ВИСТАЛА. (Латвия ССР). 2-Болтиқ бўйи фронтини жангчилари бундан 45 йил муқаддам Видзем ўлкасини немис-фашист босқинчилардан озод қилган эди. Ана шу жангчиларнинг хотирасини ёд этиш учун маъмур қишлоққа мамлакатимизнинг барча бурчақларидан минглаб одамлар келишди. Қардошлар қабристонидан ёдгорлик пойига гулчамбарлар кўйиш маросими бўлди.

СОСНОГОРСК. (Ковин АССР). Темирўйчилар билан газини қайта ишловчилар шахрида телевидениенинг учинчи программаси кўрсатиладиган бўлди. Бу ерда симли телевидение системаси ишга туширилди ва унга кўп квартиралли дастлабки уйлар уланди.

МОСКВА. 30 йилда «Совет детективи» кутубхонаси нашрга тайёрланмоқда. ТАСС муҳбири нашр таҳрир коллегияси раиси ёзувчи А. Безугловдан ҳар бир йилнинг қанча нусхада бўлиши, бу кутубхонага қанча эътибор мумкинлиги ва бошқа масалаларни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Нашрининг энг кам тиражи 500 минг нусха бўлиб, уни фақат обонанилар олади. Агар ноширлар бу йилда нусха санини кўпайтириш имконини топса, пайдани ташқари чоп этилган жамма китоблар чакана савдога чиқарилади. Кутубхона нашр этишда бир неча коллектив қатнашмоқда.

Кутубхонанинг биринчи йилда чиққанidan сўнг обуна бошланади. Ана шу йилда 1990 йил бошларида чиқарилиши мўлжалланган.

Кутубхонада энг яхши совет детективлари тўплаган. Унда сиз саргузашт жанри ветеранлари ҳамда Туркманистон, Латвия, РСФСР, украинларни ҳам муаллифлар билан учрашасиз. Асарларни танлаб олиш ўзқ давом этди. Бу ишда китобхонларнинг ўзлари ҳам қатнашдилар. Биз энг кўп овоз олган муаллифларини рўйхатга киритдик.



В. Зинин сурати (ТАСС).

ҚОЗОҒИСТОН ССР. Олмаотадаги бинолардан бирини қалчағай чинни заводининг фирмали белгисини пайдо бўлди. Шу ерда қалчағайликлар ишлаб чиқаратган махсусотлар билан савдо қилувчи ихтисослашган «Шавғалай» («Чағалай») магазини очилди.

— Фирмали магазини очилганидан кўрагининг асосий мақсад ҳаридорлар эҳтижини ўрганиш ҳамда махсусотларининг реклама қилишдан иборат, — дейди завод директори М. Макаров.

Бугунги кунда завод 40 хилдан зиёд буюмларини ишлаб чиқармоқда, уларнинг ярми йил сайин янгиланиб боради. Ҳар бир янги буюмин ишлаб чиқариш технологиясини маромига етказилди ва тажриба цехи янгиланишининг қарорати бўлиб ҳисобланади. Янги магазинида буюмларнинг дастлабки намуналарини пештахталарга чиқарилади.

СУРАТДА: қаҳва ичиш учун мўлжалланган «Юзма-юз» термаси.

Ёдномалар

Ота-боболаримизда азалдан шундай гап бор: ҳеч кимга фарзанд доғини кўрсатмасин, ортинда қолишсин. Бунинг маъносини киши кенсайгач тўла тушуна керак. Фарзанди бўйи етиб, ёнига кирганда, бирор фалокат туфайли ташлаб кетса, ота-она учун бундан ормиқ мусибат борми дунёда.

Улар ҳам ораминдан ёш кетишди. Жуда ёш. Ораулар мўл эди. Улар ўзбек футбол мавқени яна бир поғона юқорига олиб чиқишга, «Пахтакор»ни сараларнинг сараси сафига кўтаришга қодир эдилар. Улар ота-оналарининг суюкли фарзандлари, хотинларига севикли ёр, болаларига меҳрибон падар, яна бирларини биринчи муҳаббат далазининг тоғи улгурмаган бўз йиғитлар эдилар. Улар халқимизнинг, севикли командамиз мухлисларининг фахри эдилар. Минг-минг афсуслар бўлсинки, тақдир уларни бизга кўп кўрди. Улар билан боғлиқ орау-умидларимиз пўлат куш каби чил-чил синди. Минг-минглаб кишиларнинг қалбини доғлаб кетишди. Не иложки, тақдир зарбаси лочинларга шафқат қилмади.

Собиқ ва содиқ пахтакорчиларнинг авиация ҳалокатига учраганига бугун, 1989 йилнинг 11 августиди ўн йил бўлди. Ўн йил тарих олдиди нима деган гап? Ҳеч нима. Лекин аслида шундаймикин? Ушбу сатрларни ёзаётган оддий бир футбол иштироки сифатида «Пахтакор» ҳақида кўп нарсани билмайдигандек эдик. Футбол ҳақида беҳисоб материаллар ўқинган ҳисоблардик ўзимизни. Йўқ, аслида бундай эмас экан. Бор-йўғи командада кимлар ўйнаган, қайси йилги пичақини ўринини олган, эсда қолган учрашувлар, уриб, ўтказиб юборилган тўплар каби оддий ҳисоб-китобларни биларканмиз, холос. Ҳаёлимизда турли саволлар гирён айланган. Шаҳид бўлганларнинг боланингдан тортиб то сўнги кунигача бўлган ҳаётини қай биринчи мукамал билдимиз? Футболдан бошқа яна нималарни яхши кўришарди? Нима учун улар «Пахтакор»да ўйнашни ёқтиришарди? Саволлар кўп, жуда кўп. Бироқ ҳаммасига мукамал жавоб берадиган одам топиларкинми?!

Олим Ашировнинг умр йўлдоши Луиза Озодовна Аширова хотираларидан: — Жони-дилми футбол. Болалигимдан «Динамо» (Киев) командасининг ишқибозиман. Олим ака билан турмуш курганимиздан кейин «Пахтакор»нинг ўйинларини ҳам қолдирмай кўрадимиз бўлдик.

1975 йилда Олег Блохин Европанинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. Бахтимизни қарангки, шу йили ўйиб кўрдик. «Келинг, кимини Олег қўямиз», — дедим Олим акага. У киши ҳеч иккиланмай рози бўлди. Бунинг қарангки, исм танлашда янглишмаган экмики. Олег ҳам уста футболчи бўлиб етишарди. Шу йил Донецкада болалар ўртасида ўтказилган Бутуниттифок турнирида «Энг яхши ҳужумчи» соврини билан мукофотланди.

Ҳозир Улугбек 10 ёшда. Олим ака олдига беш қиздан кейин тургангани учунми, ўғиллари билан фарланарди. У киши имас, чекмасди ҳам. Хонадонимиздан ҳеч одам аримасди. Базан ўша кезлари ўрин-босарлар савидада ўйнаган Геннадий Денисов, Игорь Шкваринлар келиб туришарди. Москванинг «Динамо» командасидан «Пахтакор»га ўтган Владимир Долбоносонинг оиласи бир қанча вақт бизникида яшаб туришди. Кейинчалик кўчиб кетишган бўлсалар ҳам, ҳанузгача алоқаманд уюлгани йўқ. Ули ҳам ҳозир Москва «Динамо»сида ўйнайди.

Фожия содир бўлган йил пахтакорчилар оиласида сўнг фарзанд дунёга келди. Қўп-қўп оталари йўлини танлашган. Улар каторида ўғилларимиз ҳам спортчи бўлиб ўтишарди. Олим ака ҳаёт бўлганда ўғилларни камолотини кўриб қандай қувонарди. Афсус...

Кечагидек ёдимизда. Қўшни аёл гап топиб, қўшни қизиди. «Эшитдингларми, «Пахтакор» ўйинчилари кетаётган самолёт портлабди», деди. Ҳеч ишонгимиз келмади...

Сергей Покатиловнинг умр йўлдоши Ирина Покатилова хотираларидан: — Пахтакорчилар орасида кўп жароҳат

олгани менинг турмуш ўртоғим бўлса керак. Бир неча марта операция бўлган. Ҳатто ярим йиллаб гипсда юрарди. Лекин эътиқод, футболга бўлган қизиқишнинг учун ҳамма нарсадан бустун эди. Ҳар бир ўйинда дарвозани тутиш учун вужуди билан ўйинда қиларди. Кишигагина хатоси қандайдир қимматга тушишини ҳис қиларди.

Биз илгари «Маржа-15» кварталда Ашировлар билан қўшни эдик. Кўпинча Луиза иккимиз телевизор орқали футбол томоша қилардик. Базан эса ярим тунгача дамолар.

Улардан нима қолди? Инсоний хислатлари, ўйнаган ўйинлари, киритган чиройли голлари, яна бетақор ўз услубларига эга эканликларини! Энг муҳими, минглаб мухлислар қалбига қолган ёрқин хотиралари! Улар ҳақида китоб ёзилиши, унда ҳар бир марҳум тўғрисида мукамал ҳикоя қилиниши даркор. Токи келажак авлод ҳам билсин, бўлгуси пахтакорчиларнинг садокатидан ўрнак олсин. Ҳеч нимани унутмаслик керак: Аннинг бошқарувчилик маҳоратини, Ашировнинг фидойилигини, Покати-

ловнинг бир ўйинида учта ўн бир метрлик жарима тўшини қайтарганини, ҳамма-ҳаммасини ёзиш зарур.

«Пахтакор» командаси ҳалокатга учраганда сўнг қайтадан ташкил этилган коллектив Тошкентдаги биринчи ўйинини Тбилисининг динамочилари билан ўтказди. Стадион одам билан тўлган. Лекин илгаринг шод-хуррамлик йўқ. Кишилар юзида қайғу, марҳумлар ҳақида бир-бирларига хўрсиниб ҳичоқ қилишарди. Кекса отахон белбоғининг уйи билан кўш ёшларини артади. Пахтакорчилар майдонга тушиб келишди. Ўйин олди машқларини бошлашди ҳамки меҳмонлардан дарак йўқ. Ўша пайтда ҳамма динамочиларини кутаётганди, назаримизда. Ниҳоят улар ҳам кўринишди. Яшил майдонга шовиллашмасди, болаларини эгганча аста келишарди. Диққатимни негадир Қипчани тортди. Билмадик, балки машҳур футболчи бўлгани учунми. У машғулота дарҳол киришмади. Майдон ўртасига бориб қўлларини белига қўйганча бир муддат пахтакорчилар томон қараб турди. Ким билди, эҳтимол ўшанда эрта хазон бўлган дўстларини эслаганлар. Бир неча кун бурун «Пахтакор» савидада уларни кўрмаслиги хаёлига ҳам келмаганини ўйладимикан.

Давлат Мирзалиев — «Госкомсельхозтехника» бирлашмасининг Тошкент районидаги ҳайдовчиси: — Мен яшётган Чувалчи қишлоғида ёш қари футболга қизиқмади. Командамиз район, область мусобақаларида қатнашиб келарди. Унинг сафи ўзгаради, чунки ёшлар етишмоқда. Мен ҳам кўп вақт ўйнадим, кейинчалик ҳакамлик ҳам қилганман. Футболчиларимиз айниса Фёдоров, Ан, Баканов, Агишевларга кўпроқ тақдир қилиб ўйнашарди. Ҳатто улар майкасига туширилган номерлар ҳам тўла бўлган.

Михайл Аннинг чиройли комбинациялари, бурчақдан тўп тепиши хотирамда сақланиб қолди. У бурчақдан рақиб дарвозасига гол урган пайтлар ҳам бўлганини эслаймаман. Ҳимочи Равил Агишевни учалмунча ҳужумчи алаб ўтмасди. Уни машҳур чарч тўп усталари Муртаз Хурчилова, Александр Чивадзевларга ўхшатардим.

Бугун бу маҳоратли футболчилар орамида йўқ. Аммо уларнинг ўзбек футболни раванки учун қўшган ҳиссасини ишқибозлар ҳеч қачон унутмайдилар.

Юрий Загуменнихнинг умр йўлдоши Людмила Николаевна Загуменних хотираларидан: — Юра билан сўнги марта фожиядан тўрт кун илгари кўришган эдик. Бу пайтда ўғлимиз Серёжа «Экран» спорт клубининг аъзолари билан Молдавия республикасида сузаш бўйича мусобақаларда қатнашарди. Уни кутиб олиш учун самолётда Ленинградга учиб кетдим.

Аниқ ёдимда. Хабарни 12 август кунини телефон орқали айтди. Узини йўқотиб, нима қилишини билмай турганидан хонага Серёжа кириб келди. «Дададанга аёнлигини, болам, дея олдим холос. У бағримга отилди.

Юрий Тошкентнинг севари. Мана энди биз ҳам тошкентлик бўлиб қолдик. 1985 йили кўчиб келганимиз.

Серёжа ёлғиз ўғлим, отасидан қолган ёдгорим, сунганим. Ҳозир у Узбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг тренеरिक факультетини ўқийпти. Чехословакияда икки йил армия хизматини ўтаб қайтди. Отасини фазр билан эслайди. Соғинганда альбомдаги суратларни кўздан кечиради, мени ёнига қақиради...

Диктор ҳамма ўрнidan туриб авиация ҳалокатининг қурбони бўлган пахтакорчилар хотирасини бир дақиқа сукунат қилдиб ёд этишини сўради. Барча оёқга қалди. Соат миллари чиқилди. Киши қалбини ларага келтирувчи оғир. Микрофондан мотамсара овоз янгради:

...Идгай Тазетдинов, Михайл Ан, Олим Аширов, Владимир Фёдоров, Мансур Толдубоёнов, Равил Агишев, Владимир Чумаков, Виктор Чуркин, Александр Корчевников, Сергей Покатилов, Юрий Загуменних, Владимир Макаров, Сирожиддин Бозоров, Николай Куликов, Константин Бананов, Владимир Собиров, Шухрат Эшбоёв. Ўн йилдирки, юқоридаги суратда эътиборингизга ҳавола этилган 1979 йилги «Пахтакор» командаси аъзолари орасида турганлардан ана шу ўн етти нафарини ораминда йўқ. Ўн йилдирки, улар номи ишқибозлар. «Пахтакор» мухлислари қалбига яшайди. Ўн йилдирки, улар абадий ўйинда.

Исмон Зоиров — Чилонзор районидagi Журналъна кўчасида яшовчи:

— 11 август кунни кечкурун ишдан келиб энди нонушта қилмастам дўстини келиб: «Эшитдингми, футбол репортажи олиб берилмас экан. Фожия рўй берибди», — деди. Вужудим титраб, худди ток урғудек сескани кетдим. Анчагача ўзимга ҳеч ишонмадим. Бу шум хабарга қолмаганим келмасди.

Эсимни танибманки, «Пахтакор»нинг ишқибозиман. Илгари команда стадионининг ёнидаги майдонга машқлар ўтказарди. Мен 2-кўн заводидан ишдан чиқиб, кўпинча шу ерга томоша қилгани келардим. Бир кун Владимир Фёдоров билан суҳбатлашиб қолдик. У Титов номидаги мактаб-интернатни битирганини, «Пахтакор»га республика ўсмирлар терма командасида ўйнагани ҳақида вақтинлик билан гапириб берди.

— Кейинги йилда буладиган олимпиадада ҳам қатнашсанми? — сўрадим ундан. — Билмадим. Бунинг раҳбарлар хал қилишди.

Ушанда Фёдоров билан сўнги марта кўришган эдик. Кейинги йилларда «Пахтакор»да унга ўхшаш қобилиятли, қаққон, ўзига хос футболчини учратмадим.

Ҳа, улар ана шундай йиғитлар эди. Агар тирик бўлишганида ўзбек футболни шухратини эҳтимол халқаро миқёсга олиб чиқишарди.

Республика физкультура ва спорт Давлат комитети футбол бўлимининг бошлиғи Вячеслав Солохо сўзи:

— 17 футбол шунқорининг номи республикадаги барча ишқибозлар хотирасида мангу сақланади. Бизда «Пахтакор» хотира-турнири ўтказиб отад тусига кириб қолди. Бугун командамиз ўз майдонига 1-лига бўлиб учун Ставрополнинг «Динамо» коллективини қабул қилди. Учрашув арафасида авиация ҳалокатига учраган содиқ пахтакорчилар хотираси ёдга олинди. Стадионда республика футбол ветеранлари, марҳум футболчиларнинг оила аъзолари, шунингдек 10 йил илгари «Пахтакор»нинг сўнги ўйинларидан бири — «Заря» (Ворошиловград) билан бўлган учрашувга ҳакамлик қилган, халқаро тоифадаги судья Валентин Липатов таъриф буюришди. Шу кун «Трактор» ва «Навбахор» командалари ўртасида «Пахтакор» командаси хотира-турнирининг финал учрашуви ўтказилиб, голиб коллективга соврин шу ерда топиларди. Энг аввало йиғитлар дафн этилган қабристон зинаб қилинади, улар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гул-дасталар қўйилади.

Йиғитлар олий лига клубининг аъзолари эдилар. Хотира турнирини маҳаллий миқёсда эмас, халқаро даражада ўтказишга лойиқ улар. Ҳар бир спорт мактаби, ўзлари тарбияланган футбол командаларида музайлар ташкил этиши, содиқ пахтакорчилар ҳақида хотиралар ёзилиб, ҳужжатли фильмлар яратилиши зарур. Республика спорт комитетининг музейи «Пахтакор» стадионини олдига кўчириш вақти келмадимикин? ...Ўн етти лочин юлдузи қўлда учиб юрибди. Бу юлдузларнинг ёғдуси абадийдир.

Савдулла ШОДИЕВ, Раҳман БОБОМУҲАМЕДОВ.

Газетхон мактуби йўлга чорлади

Бу ерда даво тонаси

Шаҳримизда ташкил этилган ва этилаётган турли кооператив хўжаликлар ҳақида кўп гапирилган. Уларнинг баъзилари ўз фаолиятларини сўст олиб бориб, ишларининг «уддасидан» чиқолмаганили учун тугатилганини рўй-рост айтиш мумкин. Лекин баъзи кооперативларнинг фаолияти юксак даражада бўлса ҳам, улар ҳақида ҳеч нима билмаймиз. Хусусан, қўлимизга Хоразм областининг Янгибозор районида истиқомат қилувчи Саломат Юсуповдан телеграмма келмагунча кишиларга даво берувчи, етук шифокорларни ўзига жам қилган «Логос» кооператив шаҳримизда фаолият кўрсатаётганидан бехабар қолаверардик. Саломат Юсуповнинг «Ешим ўттида» «Р» ҳарфини яхши талаффуз қиломайман. Дарҳақиқат даво топишда мутахассис маслаҳатига мутожиян деган мазмунда битилган телеграммаси бизни йўлга чорлади.

Кўнбишеш районининг Садаф кўчасида 3-тупик, 3-уйда истиқомат қиладиган Дилфуза Абдурахмоновани учратиб қолдим. Билмишамки, илгари уларнинг икки нафас фарзанди ҳам талаффузларда бироз киналишар экан. Кейинчалик у «Логос» кооператив ташкил этилгани ҳақида эшитиб, ўша ерда фарзандларини олиб борибди. Бир неча ойлик муолажалардан сўнг унинг фарзандлари тубаллиб кетишди. Бу хабарни эшитиб, бизга келган мактубга жавоб топши учун ўша ерга ошдик. Поликлиника бош шифокори Рашид Ҳамидович Гафуров кўйидагиларни сўзлаб берди: — Аввало шунини айтиш керакки, «Логос» кооперативига логопед-дефтолог мутахассис — Малика Қаҳрамонова, сурдопедогог — Луиза Ҳамидова, олингроднепедогог — Марьяна Ресулева ва психоневролог-шифокорлар «Болалар» талаффузининг даволаш учун махсус қилинганлар. Фарзанд бир ёшга тўлган, сўзларини «катак-чекма» қила бошлабди. Бундай ҳолларда ота-онанинг севинчи бенқоҳа чекмас бўлишини аниглаш мумкин эмас. Улар фарзандлари сўзларини тўла-тўқис билиб,

гапирини орақиб куттишди. Шундай вақтлар бўладикки, фарзанд ўз теңкурларига нисбатан талаффузда бироз қийналади ёки умуман биронта сўз айтмайди. Ҳоҳида эса боланинг дудуқлигини ҳам эҳтиомдан холи эмас. Базанда фарзанд ота-она нима дейётганини тушунади-ю лекин гапиролмайди фақат бош иргайди. Ана шундай вақтларда дарҳол мутахассисларга, яъни логопед ёки сурдопедогогга мурожаат этиш керак. Фақат уларнинг фарзанд нутқининг қандай ривожланётганини билиб беришарди. Бундай ҳоллар ёши улгайган пайда бўлиши, кишига азоб бериши ҳам мумкин. Урта ёшдаги бе-морларда бундай хасталик шилқиди ўтган бирон бир оғир касаллик асорати туфайли бўлади.

Шунини таъкидлаш жоизки, талаффузининг яхши ривожланмаслиги фақат мактабга ёшдаги болаларда эмас, балки мактаб ўқувчиларида ҳам бўлиши мумкин. Бундай хасталик фақат нутқда эмас, балки ёшда ҳам ўқийди ҳам ўз кучини кўрсатади. Бундай касаллик турли кўринишда бў-

лади. Хусусан оғзаки нутқнинг ривожланмаганили, кўрши қобилиятининг сустлиги, нутқдаги оҳанг ва сўзларни тўғри аниглай олмаганили касалликнинг асосий сабабларидир. Шунинг учун синфда ана шундай ўқувчилар бўлса муаллимлар дарсини қайта-қайта ўтишга, боланинг уйига қўшимча машғулот беришга мажбур бўлишарди. Бундан нафақат ўқувчи, балки уйда ота-она, боланинг ўзи ҳам зият чекади. Агар шулар ҳақида логопедга дарҳол айтилса, барчага осон кўчиши мумкин. Юқоридagi хасталикларнинг олди қанчалик тез олинса, шунча яхши бўлади.

Мен кўнмидаги мактубни шифокор-логопед Малика Қаҳрамонованига кўрсатиб ундан жавоб беришни илтимос қилдим: — Мактуб муаллифи Рашид Ҳамидович айтганлардек, ёшдаги боланинг хасталик билан касалланган бўлса керак. Бунинг аниқлаш беомори кўрганимизда, текширганимиздан сўнг аён бўлади. Ҳозирча мен фақат хурматли газетхонни шифокорамизга тақлиф этиш билан чекланаман.

Бу ерда даволанганларнинг ҳаммаси тегишли муолажаларни олиб соғайиб кетишган. — Уғлим Коля 5 ёшда, — дейди 1-Қорасу массивидagi 15-уй 34-хонада истиқомат қиладиган Любовь Сиропятова. — У шу ёшга олтига товушини талаффуз этолмасди. Болалар поликлиникаси қондаги бу шифоконга келиб ўғлим даволанди. Бир неча кундан кейин у ҳеч нима кўрмагандек соғайиб кетди.

Худди шундай сўзларни Юсуповдан 7-даҳасининг, 9-уй, 9-хонада истиқомат қиладиган Анатолый Копиловнинг «Тошкент оқшоми» музбири.

РЕДАКЦИЯДАН: хоразмлик оқшомхон Саломат Юсуповга газета орқали жавоб қилишга қарор қилдик. «Урматли Саломат Юсупов!» Газетхонларининг сизнинг илтимосингизга биноан шаҳримиздаги талаффуз, нутқини яхшилаш борасида иш юртдагидек «Логос» кооперативининг фаолияти билан таништирадик. Сиз ҳам ана шу шифо масканда дардингизга даво топишингиз мумкин. Маъмур шифо маскани Тошкент шаҳар Кўнбишеш районининг Луначарский қалқа йўлидаги 178-бўйида фаолият кўрсатаётган болаларнинг 3-шаҳар тўп поликлиникасида жойлашган. Илк марта келувчилар бу ерга шамба кунлари соат 10.00 дан — 13.00 гача таъриф буюришлари мумкин.

Д. ЖАЛОЛОВ, Тошкент оқшоми музбири.

Тошкент политехника

институтини

КЕЧКИ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИ

«Олий ўқув юртига кириш ва касба йўналтириш тайёрлов бўлими»

1989-90 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишловчи илгор ишчилар, шуниқдек, СССР Қуrolли Кучлари сафида хизматини 1988 йилнинг ноябрь-декабрь, 1989 йилнинг май ва ноябрь ойларида ўтаб бўлганлар, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1983 йил 17 январь қарори билан жорий этилган «Имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги қўғоҳнома» ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил 23 февраль 209-рақамли қарори билан жорий этилган «Инвалиднинг имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги қўғоҳнома» эгалари хизмат маддади ва запасга қачон бўшатиладиган қатъий назар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар камида икки йил узлуksиз меҳнат қилган бўлишлари керак. Йўлланма меҳнат коллективлари ва ҳарбий қисмлар шахсий состави мажлиси қарори асосида партия, комсомол ва касабасоюз ташкилотлари тавсияси билан корхона, ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан юборилади.

Тайёрлов бўлими тингловчиларни институтнинг барча факультетларида (архитектура факультетидан ташқари) ўқиниш давом эттириш учун қабул қилади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусخаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, характеристика, 3х4 см. наггалдаги 8 та фотосурат (бош кийимсиз), медицина справкиси (086/У форма), паспорт ва ҳарбий мажбурият тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 20 АВГУСТДАН 25 СЕНТЯБРГАЧА, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН 28 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчиларга суҳбат олдидан математика ва физика бўйича консултация ва обзор лекциялар ўтказилади.

Суҳбат 25 сентябрдан ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилиш математика ва физикадан ўтказилган суҳбат натижаси бўйича бўлади.

МАШГУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. Ўқиниш муддати — 10 ой.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент политехника институтини кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларининг 1 курсига талланган ихтисослик бўйича тингловчи истагига биноан кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шайхонтовур кўчаси, 10-уй, 18, 23-хоналар, қабул комиссияси.

Транспорт: 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 8, 18, 20-троллейбуслар; 28, 91-автобусларнинг «Санъат саройи». «Шайхонтовур» бекатлари.

Чирчиқ шаҳрида яшовчилар Тошкент политехника институтининг тайёрлов бўлимига киришни истасалар, институтнинг шу шаҳардаги филиалига мурожаат қилишлари мумкин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Гидрометеорология давлат комитетининг

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1989—90 ўқув йили учун

8 ва 10 синф маълумотиغا эга бўлган ўқувчиларни

25 АВГУСТГАЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ТЕХНИКУМ МЕТЕОРОЛОГИЯ, ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ РАДИОТЕХНИКА СИСТЕМАЛАРИДАН Фойдаланиш ихтисосликлари бўйича МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — «метеорология» ихтисоси бўйича: кундузги бўлимида 8 синф базасида — 3 йилу 8 ой; 10 синф базасида — 2 йилу 8 ой.

«гидрометеорология радиотехника системаларидан фойдаланиш» ихтисоси бўйича: 8 синф базасида — 3 йилу 10 ой; 10 синф базасида — 2 йилу 10 ой.

ЎҚИШ МУДДАТИ: сиртқи бўлимида — 10 синф базасида — 2 йилу 10 ой.

Бошқа шаҳарлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга: «метеорология» ихтисоси бўйича — 30 сўм; «гидрометеорология радиотехника системаларидан фойдаланиш» ихтисоси бўйича — 45 сўм стипендия тўланади.

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, З. Қобулов кўчаси, 45-уй. Телефон — 48-07-21.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги Тошкент шаҳар хунар-техника таълими бошқармасининг

26-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА ВИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

ЗАРГАРЛИК — ўқиниш муддати 1,5—3 йил. ЧИНИНГА ГҮЛ СОЛИШ — ўқиниш муддати — 3 йил. ЧИНИН САРАЛОВЧИ — ўқиниш муддати — 1—3 йил. ЧИНИН ШАКЛИНИ ТАЙЕРЛОВЧИ — ўқиниш муддати — 1—3 йил.

САНОАТ МАШИНАЛАРИНИ ТУЗАТАДИГАН СЛЕСАРЛАР — ўқиниш муддати 1—3 йил. ВИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ҚАЛИНИНГ ВА ТОШКЕНТ РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ, 15 ВА УНДАН КАТТА ЎЗЛАДАГИ 8—10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синфни битирганлар 3 йил ўқийдилар ва бош-оёқ кийим ҳамда уч маҳал иссиқ оғдат билан таъминланадилар.

10-синфни тамомлаган ёшлар учун ўқиниш муддати — 1—1,5 йил бўлиб, уларга 30 сўм стипендия, ишлаб чиқариш практикаси вақтидаги иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Вилим юртига аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртига имтиёзли шартларда қабул қилинади. ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Вилим юртида заргарлик хунарини ўрганганлар Тошкент заргарлик заводига ишга жойлаштирилади. Ўқиниш имтиҳонисиз қабул қилинади.

МАШГУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги қўғоҳнома, турар жойдан справка, маълумотини ҳақида қўғоҳнома, медицина справкиси (286-форма), 3х4 см. наггалдаги 6 донна фотосурат, таржиман ҳоли, мақтабдан характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка.

Адрес: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупиқ, 4-уй. Телефонлар: 44-30-07, 44-15-86 (59, 76, 166-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

Бўш шиша идишларни



магазинга қайтаринг

Ўзингиз учун қулай қабул пунктини излаб овора бўлмаслигингиз учун, вақтингизни тежаш учун биз РАЙОНЛАРДАГИ БУШ ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН ИХТИСОСЛАШГАН ПУНКТЛАР АДРЕСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ.

Маъзур пунктларда ҳар қандай бўш шиша идишлар чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Бундан ташқари чанқовбосди ичимликлардан, сутли махсулотлардан бўшган шиша идишларни шиша идишдаги махсулотлар билан савдо қилувчи барча озиқ-овқат магазинлари қабул қилади.

Куйбишев район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли магазинлар ҳузуридаги ихтисослашган бўш шиша идишларни қабул қилувчи пунктларнинг адреси:

Дафтар, қалам ва чизғичлар...

Ўқувчиларга зарур турли-туман ўқув қуролларини — альбом ва расм дафтарларини, ўчирғич, сиёҳ, туш, елим, попка, қалам, пионер ва октябрят нишонларини, ҳар хил китоб сумкаларини «ТАШКУЛЬТОРГ»нинг қуйидаги магазинларидан

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

- 3-магазин — Қорақамиш массиви; 4-магазин — Куйбишев шоссеси; 5-магазин — Тўқимачилар бозори, Аския; 5/1-магазин — Биринчи Май бозори; 6-магазин — Навоий кўчаси, савдо расталари; 8-магазин — Навоий кўчаси, «Дўстлик» ярмаркаси; 9-магазин — Қабулов кўчаси, Олой бозори; 9/3-магазин — Юнусобод массиви, 4; 10-магазин — Жуковский кўчаси, 2; 11/1-магазин — Госпиталь бозори; 12-магазин — Луначарский шоссеси, марказ; 12/1-магазин — Горький кўчаси, бозор; 13-магазин — Майна Ҳасанова кўчаси; 14-магазин — Беруний кўчаси, Марказ—27; 16-магазин — Савдо маркази, Сергели 111; 16/1-магазин — Сергели, 6-квартал; 17-магазин — Паркент бозори; 19-магазин — «Алгоритм» массиви.

«ТАШКУЛЬТОРГ».

Қизиқарли касб эгалламоқчимисиз?

1-ПОЯАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА КЕЛИНГ!

Бирлашмага бичиқчилар, танавор тайёрловчилар ва поймабзал тикувчилар керак.

Бичиқчилик касби ижодий меҳнатга мойил кишилар учун мос. Чунки, чарм материалларини бичиш поймабзал конструкцияси, чармининг тури ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, янги ечимларни доимо изланишни тақозо этади.


Танавор тайёрловчининг иши қатор турдош ишлаб чиқариш жараёнларини бажара билиши малакаси билан болғик, ишчиға ихтисосликни танлаш учун кенг имкониятлар берилади.

Пойаабзал тикувчилар ярим автомат дастгоҳларда меҳнат қилишади.

Корхона ўзини ўзи молиявий таъминлаш, ўз-ўзини қоплаш ва хўжалик ҳисоби шароитида

- 2-магазин — ТТЗ-2 массивидаги бозор — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 64-31-30; 6-магазин — М. Горький проспекти, 89 — иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 62-12-11; 8-магазин — М. Горький проспекти, 65 — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 67-59-78; 10-магазин — Луначарский шоссеси, 40 — иш вақти юқоридикидек, телефон 64-15-30; 12-магазин — Марказ-1, 49-уй — иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 33-53-35; 13-магазин — Марказ-2, 6-уй — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 32-07-42; 15-магазин — М. Горький проспекти, 121 — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 62-55-15; 18-магазин — Високвольт массиви, 101-уй — соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 62-52-04; 21-магазин — ТТЗ-1 массиви, 31-уй — иш вақти юқоридикидек, телефон 64-42-23; 22-магазин — 1-Қорасу массиви — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача; 23-магазин — Ново-Московский кўчаси, 17 — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 35-31-70; 27-магазин — 2-Қорасу массиви, 23-уй — иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 65-63-43; 37-магазин — Луначарский шоссеси, 131 — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 67-95-47; 39-магазин — Икитини кўчаси, 44 — иш вақти соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, телефон 67-26-49; 50-магазин — Бабушкин кўчаси, 56 — иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 62-04-37; 65-магазин — 2-Шимолний-Шарқ массиви, жамоат савдо Маркази — иш вақти соат 9 дан 20 гача, телефон 63-58-97; 75-магазин — Луначарский шоссеси — иш вақти соат 9 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14 гача, телефон 65-92-56. Тошкент шаҳар Совети иқроия комитетининг савдо Бош бошқармаси.

Куйбишев район озиқ-овқат савдоси идораси, 33-92-56.



ишлайди. Иш ҳақи ишбай, мукофотли. Ўртача маош 220—240 сўмини ташкил этади. Корхонанинг ўз базавий хунар-техника билим юрти, Маданият саройи, санаторий-профилакторийси, медицина-санитария қисми, ётоқхонаси, туртта бозор муассасалари, пионерлар лагери бор.

Иш икки сменада ташкил этилган. Ишчиларни корхона транспорти ишга олиб келади ва олиб бориб қўяди.

Адрес: Тошкент, Фрунзе райони, Б. Хмельницкий кўчаси, 6. Қадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 55-89-87.

Транспорт: 7, 11, 51, 95, 77, 97-автобуслар, 2, 3, 6, 11, 14-троллейбусларнинг «1-пояаабзал бирлашмаси» ёки «Педагогика институти» бекати.

ТОШКЕНТ 1-ПОЯАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

- 1. Сиз «Қизил тонг» бирлашмасида тайёрланган пальтонини киясизми? 2. Сизнинг моделлар тўғрисидаги фикрингиз 3. Пальтобоп матоларнинг ранги ва фактураси Сизга манзурми? 4. Размер-рост шкаласига доир эътирозларингиз 5. Сизнинг таклифларингиз 6. Сизнинг ёшингиз, яшаш жойингиз

12 АВГУСТ СОАТ 11 ДА МАГАЗИНДА МОДЕЛЛАРИНИ ЯНУАЛТИРУВЧИ КОЛЛЕКЦИЯСИ НАМОНИШ ЭТИЛАДИ ВА ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ!

Сиз бу ерда модельер-рассомлар, конструкторлар, технололар билан учрашасиз. Харидорлардан анкета саволларига жавоб олинди.

Мабодо шу кунга мағзинга бора олма қолсангиз, ушбу газетадан анкетани қирғиб олинг ва ундаги саволларга жавоб ёзилган ҳолда қуйидаги адресга жўнатинг: Тошкент шаҳри, Космонавтар проспекти, 41 «а» уй (метронинг «Ойбек» станцияси).

«Заря» фирмали магазини. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНING ЎЗБЕК ИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон Туризм ва экскурсиялар Совети ҳузуридаги

ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

экскурсоводлар тайёрловчи

КЕЧКИ ПУЛЛИ КУРСЛАРГА

қабул эълон қилади

Курсларга олий ёки тулиқсиз олий маълумотли (гуманитар маълумотга эга бўлиш яна ҳам мақсадга мувофиқ), Ўзбек ва чет тилларини билувчи 45 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОН. Машгулотлар ҳафтада икки марта кечкурун соат 18.30 дан 21.30 гача ва дам олиш кунлари ўтказилади.

Курсларга кириш учун диплом, паспорт тақдим этилади. Ҳужжатлар 20 августдан 20 сентябргача қуйидаги адресда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 115-уй, Ўзбекистон туризм ва экскурсиялар Советининг ўқув-методика маркази.

ҚАБУЛ КҮНЛАРИ Душанба, чоршанба, жума — соат 10 дан 18.00 гача, сешанба, чоршанба, пайшанба — соат 14 дан 21.00 гача.

ДИҚҚАТ! Фойдаланиб қолишга шошилинг!

«ФОТОН» ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНING ЁШЛАР МАРКАЗИ

шахсий автотранспорт эгаларини аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан ЁШЛАР МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Фотон» Ёшлар маркази ойна энг кам — 20 сўм ҳажмида бадал тўлашни татминлайди.

Адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 12-уй («Фотон» ишлаб чиқариш корхонасига кириш дарвозаси, комсомол комитети). Телефон 32-00-91.

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИНING БОШ РЕДАКЦИЯСИ

вакант вазифага КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бош рассомлар, нашриётларнинг рассомлари, бадний муҳаррирлар, китоб графикалари, китобларнинг рассом-дизайнерлари сафидан маъзур касб бўйича камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлган кишилар

бекаж ва картография бўлими мудри вазифасига таклиф қилинади.

Конкурс муддати — 24 августгача. Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, Жуковский кўчаси, 52-уй.

Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси, кадрлар бўлими. Справкалар учун телефон — 32-77-57.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 61- МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Репертуар плани:

- 12 августда — Бурон. 13 августда — Тумарис. 15 августда — Чю-Чю-Сан. 16 августда — Спартак. 17 августда — Евгений Онегин. 18 августда — Богчасарой фонтани. 19 августда — Флориа Тоска. 20 августда — Оққуш қўли. 22 августда — Оловли фаришта. 23 августда — Севги ҳақида афсона. 24 августда — Кармен. 25 августда — Икки дил достони. 26 августда — Риголетто. 27 августда — Корсар. 29 августда — Сўғд элининг қоплони. 30 августда — Севги тумори. 31 августда — Фауст.

Билетлар сотилмоқда. Чилонзор район ошхоналар трестига қарашли 4-ошхонанинг йўқолган ДУМАЛОВ МУҲРИ ВА ПЛОМБИРАТОРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Республика Кийим моделлари уйининг йўқолган «СПРАВКАЛАР УЧУН» МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тўғримачилик комиссиясига берилган 316106 дан 316125 гача бўлган номерлардаги йўқолган ЧЕК ДАФТАРЧАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат университети филология факультети томонидан Латипова Наргиза Курбанова номига берилган 867104 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Китобхоналар кўнгли жамиятининг Тошкент шаҳар ташкилоти раёнидаги Собир Раҳимов район китобсавварлар жамиятининг маъсуул котиби Р. А. Отабековага онаси Раҳима ОТАБЕКОВАНING вафот этганини муносабат билан чуқур тўғна изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат агроасоат комитетининг меҳнатни ташкил этишни лойиҳалаш ва таъдиқ қилиш маркази коллективни касабасоюз комитетининг раиси М. Ж. Иноятовга онаси МОЖИРА ИНОЯТОВАНING вафот этганини муносабат билан чуқур тўғна изҳор қилади.



СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ — МУҲИМИ!

ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТИЛАЕТГАН АНКЕТА САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШ БИЛАН СИЗ ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ЧИҚАРИЛАТГАН ПАЛЬТО МОДЕЛЛАРИ ХУСУСИДАГИ ЎЗ ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ БАЕН ҚИЛГАН БУЛАСИЗ.

1. «Заря» фирмали магазини борлигидан хабардормисиз? Ҳа, йўқ.

танишларининг сўзидан, реклама эълонларидан

ТОШКЕНТ ОҚИМОНИ

«Тошкент оқшоми» («Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета Народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет иурилиши—32-57-84; эконоида ва шаҳар хўжалиги—32-54-19; икитимоний масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик, редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» реңламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.